

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Жамоатчилик кенгаши раиси Ё.Х.Сагдиев  
хузурида ўтказилган йнгилиш  
Б А Ё Н И № 1

2025 йил “3” январь

Тошкент шаҳри

**Ранслик қилувчи:**

Жамоатчилик кенгаши раиси  
Ё.Х.Сагдиев

**Йнгилишда қатнашдилар:**

Ички ишлар вазирлиги хузуридаги  
Жамоатчилик кенгаши аъзолари, худудий  
ички ишлар органлари Ахборот хизмати  
рахбарлари (*видеоконференция тарзида*)

**Йнгилиш ўтказиш жойи:**

“Zoom” дастури орқали

**Кун тартибидаги масала:** Ички ишлар вазирлиги хузуридаги  
Жамоатчилик кенгаши аъзоларининг 2024 йил якунлари бўйича хисобот  
учрашуви, фаолият давомидаги камчилик ва муаммолар, уларнинг  
ечимлари, Жамоатчилик кенгаши томонидан 2025 йилнинг биринчи ярим  
йиллигига оид Дастурда белгиланган вазифалар муҳокамаси тўғрисида.

Кун тартибидаги масала юзасидан, кириш сўзини ИИВ Ахборот хизмати  
бўлим бошлиғи С.Тўрахўжаев очиб, Президентимизнинг 2023 йил  
20 январдаги ПҚ-10-сон қарорига мувофиқ, 2023 йил 11 мартда имзоланган  
Ички ишлар вазирининг “ИИВ ва унинг худудий бўлинмалари хузуридаги  
жамоатчилик кенгашлари фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-  
тадбирлари тўғрисида”ги №122-сонли буйруғи билан Кенгаш фаолияти йўлга  
қўйилганлигини, Жамоатчилик кенгашлари билан ўзаро яқиндан ўрнатилган  
алоқалар асосида, барча ахборот хизматлари томонидан 2024 йил давомида  
амалга оширилган ишлар, тайёрланган медиа маҳсулотлар ҳамда кенг  
ёритилган материаллар тўғрисидаги хисобот маълумоти билан таништирди.

Унга кўра, кун тартибидаги масала юзасидан, Ички ишлар вазирлиги  
ахборот хизматларининг 2024 йил якунлари бўйича фаолияти ҳақидаги  
тайёрланган медиа маҳсулотлари, ҳамкорликда ёритилган материаллар ва  
бошқа эришилган натижалар тўғрисидаги аниқ хисоботи билан, Кенгаш  
аъзолари билан марказий аппарат ҳамда жойларда “Zoom” платформаси орқали  
онлайн тарзида иштирок этаётганларни таништириб ўтди.

Кенгаш йнгилишида, Жамоатчилик кенгаши вакили “Дунё ўзбеклари”  
сайти бош муҳаррири И.М.Хушев 2024 йил давомида ИИВ тизимида ўзаро  
ҳамкорликда амалга оширилган ишлар, ўтказилган тадбирлар натижадорлиги,  
шунингдек Кенгаш фаолиятини янада ривожлантириш ҳақида фикр юритиб,  
оммавий ахборот воситалари фаолияти ва жамоатчилик назоратини тартибга  
солувчи шунингдек, ички ишлар органлари тизимида Ахборот хизматлари  
фаолиятини тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар талаблари асосида,  
ўзининг янги таклифларини илгари сурди.

Бу борада, тизим имижини ошириш, ходимларнинг хизмат интизомига риоя этишларини назорат қилиш, шунингдек уларнинг маънавий билим ва дунёқарашини бойитишда Вазирлик томонидан ўтказиладиган маънавий-маърифий тадбирларнинг ўрни бекиёслиги, шунингдек кадрларни танлаш ва номзодлар билан ўтказиладиган синовлар айниқса, ЎПХ ходимларининг фаолияти ҳақида Канада давлати тажрибасининг афзалликлари тўғрисида аниқ маълумотлар бериб ўтди.

Шундан сўнг, Президентимизнинг “Фуқаролик жамияти институтларини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизимини янада такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида” 2024 йил 26 августдаги ПФ–124-сон Фармони 9-банди талаблари асосида, ИИВ тизими ҳузурида фаолият кўрсатаётган Жамоатчилик кенгашлари фаолиятини қонунчилик ҳужжатларида ҳамда мазкур Фармоннинг 8-бандида назарда тутилган талаблар асосида қайта ташкил этилганлиги шунингдек, мазкур Фармоннинг 7.2 ҳамда 7.4-бандлари талабларига асосан, келгусида Фуқаролик жамияти институтлари томонидан бирорта ташаббусли лойиҳани амалга ошириш учун давлат ижтимоий буюртмасини олиш тўғрисида, ИИВга таклиф келиб тушган тақдирда, Вазирлик ҳузуридаги Жамоатчилик кенгаши томонидан ўрганиб чиқиши ва баҳоланиши ҳамда ушбу ҳақда ташаббускор Фуқаролик жамияти институтига тўғридан-тўғри шартнома тузиш йўли орқали, ижтимоий буюртма берилиши масаласи ҳал этилишининг йўлга қўйилиши тўғрисида янгилик ўқиб эшиттирилди.

Йиғилиш сўнгида, ички ишлар органларининг янада халқчил тузилмага айланишида Кенгаш аъзоларининг меҳнати жуда катта эканлиги, жиноятчиликни барвақт олдини олиш ҳамда ҳуқуқбузарликлар профилактикасига қаратилган ишларни олиб боришда жамоатчилик аъзоларининг салоҳияти катта эканлиги эътироф этилиб, келгусида режалаштирилган ишлар ва тадбирлар ҳақида алоҳида тўхталиб ўтилди.

Бу борада, 2025 йилнинг 1-ярим йиллиги учун мўлжалланган Дастур ва унда акс этган бандлар билан иштирокчилар таништирилиб, мавжуд таклиф ва мулоҳазаларни эшитиш барчанинг диққат марказида бўлди.

Шу билан бирга, тизимда коррупциявий ҳолатларни олдини олиш, инсон омилини камайтириш борасида “E-nomzod”, “E-kadr”, “E-ijtimoiy himoya” каби рақамлаштириш ишлари фаоллик билан олиб борилаётганлиги айтиб ўтилиб, ИИВ тизими фаолиятига тааллуқли норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг ижроси борасида барчани фаол иштирок этишга чақирилди, шунингдек, ИИВ Кенгаш олдига қўйилган вазифаларни сидқидилдан бажарилишида доимо ўзаро ҳамкорликка тайёр эканлиги алоҳида таъкидлаб ўтилди.

Йиғилиш сўнгида, жойлардан онлайн тарзида иштирок этаётган барча ҳудудий органлар Кенгашлари аъзоларига мурожаат этилиб, мавжуд муаммо ва ҳар қандай тегишли масалаларда марказий кенгашга алоқага чиқишлари мумкинлиги тушунтирилди. Шунингдек, ҳудудий Кенгаш аъзолари билан мақсадли ва манзилли ҳамкорлик алоқаларини ўрнатиш муҳимлигига алоҳида ургу берилиб, Жамоатчилик кенгашининг 2025 йилнинг биринчи ярим йиллиги учун мўлжалланган Дастури бандларининг ижроси таъминланишида барча алоқадор соҳавий хизматлар фаолликка чақирилди.

Юқоридагилар билан бирга, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 26 августдаги “Фуқаролик жамияти институтларини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ПФ–124-сон Фармони талаблари ижросини таъминлаш мақсадида, мазкур мажлисда барча соҳавий ва ҳудудий ички ишлар органлари, шунингдек республика оммавий ахборот воситалари вакиллари билан амалий ҳамкорликни янада кучайтириш юзасидан бир қатор тегишли вазифалар белгилаб олинди.

Юқорида баён этилганлардан келиб чиққан ҳолда, йиғилишда

## **Қ А Р О Р Қ И Л И Н Д И:**

**1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 20 январдаги ПҚ-10-сон қарори ҳамда 2024 йил 26 августдаги ПФ–124-сон Фармони талаблари асосида қайта тузилган ИИВ ҳузуридаги Жамоатчилик кенгашининг 2025 йилнинг биринчи ярим йиллигига мўлжалланган дастури ва унда белгиланган вазифалар иштирокчилар ўртасида муҳокама этилди деб ҳисоблансин ва ижро учун қабул қилинсин.**

**2. ИИВ Ахборот хизмати (Ш.Гиясов), Маънавий-маърифий ишлар хизмати (Х.Махсумов) билан ўзаро ҳамкорликда**

2.1. Ахборот хизмати раҳбари бошчилигида, мазкур мажлисда кўрилган масалалар ҳамда билдирилган таклифлардан келиб чиққан ҳолда, 2025 йилнинг биринчи ярим йиллигига мўлжалланган тегишли Дастур ижрога қаратилсин;

2.2. Республика оммавий ахборот воситалари ҳамда барча Кенгаш аъзоларига ҳудудий ахборот хизматлари раҳбар ва ходимлари, улар билан алоқа ўрнатиш тартиби тўғрисида аниқ маълумотлар берилсин ҳамда улар билан манзилли ва мақсадли ҳамкорлик алоқалари ташкиллаштирилсин;

2.3. Президентимизнинг “Фуқаролик жамияти институтларини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2024 йил 26 августдаги ПФ–124-сон Фармони 7.2 ҳамда 7.4-бандлари талабларига асосан, келгусида Фуқаролик жамияти институтлари томонидан бирорта ташаббусли лойиҳани амалга ошириш учун давлат ижтимоий буюртмасини олиш тўғрисида, ИИВга таклиф келиб тушган тақдирда, Вазирлик ҳузуридаги Жамоатчилик кенгаши томонидан ўрганиб чиқилиши ва баҳоланиши ҳамда ушбу ҳақда ташаббускор Фуқаролик жамияти институтига тўғридан-тўғри шартнома тузиш йўли орқали, ижтимоий буюртма берилиши масаласи ҳал этилиши йўлга қўйилсин;

2.4. Келгусида ИИВнинг Йўл ҳаракати хавфсизлиги, Жамоат тартибини сақлаш, Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси, Тергов департаменти, Миграция ва бошқа тегишли соҳавий хизматлари йўналишида тизимни рақамлаштириш борасида амалга оширилган ишлари юзасидан, Жамоатчилик кенгашлари олдида ҳисобот бериб бориши ташкиллаштирилсин;

2.5. Худудий органлар Жамоатчилик кенгашлари томонидан ўз фаолиятларини 2025 йилнинг биринчи ярим йиллиги учун тасдиқланган Дастурда белгиланган вазифалар асосида йўлга қўйилсин;

2.6. Кенгаш аъзолари билан ҳамкорликда, Вазирлик фаолиятига оид масалалар юзасидан, мониторинг ва ўрганишлар якунлари бўйича аниқланган камчиликлар юзасидан, уларни бартараф этилиш ва тизимни ривожлантиришга оид таклифлар ва мулоҳазалар бўйича тегишли хужжатлар, Вазирлик раҳбариятига ўз вақтида киритиб борилсин;

2.7. Очқлик ва ошқораликни таъминланиши билан боғлиқ қабул қилинаётган норматив-ҳуқуқий хужжатлар ва уларнинг амалий ижросига оид материаллар республика оммавий ахборот воситалари орқали мунтазам равишда кенг ёритиб борилсин.

2.8. ИИВ тизимида хизмат қилаётган ёш ходимлар билан мақсадли ишлаш жараёнига алоҳида эътибор қаратилсин;

2.9. ИИО ходимларининг ижтимоий ҳимояси масалалари билан шугулланувчи масъул хизматлар фаолияти ўрганилиб борилишида давом этилиб, бу борада ҳалол, ўз хизмат вазифасига сидқидилдан ёндашувчи, виждон пок ходимлар сафини мунтазам рағбатлантириб бориш ишлари кучайтирилсин;

### **3. Худудий ички ишлар органларлари раҳбарлари:**

3.1. Президентимизнинг 2024 йил 26 августдаги ПФ–124-сон Фармони талабларига мувофиқ, 2025 йил биринчи ярим йиллиги учун тасдиқланган Дастур асосида, ўзларининг ҳузурида фаолият юритаётган жамоатчилик кенгашлари фаолиятини қайта ташкил этиш ва улар фаолиятини мунтазам назорат қилиб боришдаги масъулиятлари кучайтирилсин;

3.2. Ахборот хизмати раҳбарлари масъуллигида ва ўзаро ҳамкорликда мазкур мажлисда кўрилган масалалар ҳамда билдирилган таклифлардан келиб чиққан ҳолда, 2025 йилнинг биринчи ярим йиллигига мўлжалланган тегишли Дастурлари ишлаб чиқилсин ва ижрога қаратилсин;

3.3. Ахборот хизмати масъуллари томонидан Кенгаш фаолиятига доир ҳисоботлар доимий равишда юритиб борилсин ҳамда Кенгаш томонидан амалга оширилаётган ишлар тўғрисида тегишли материаллар мунтазам равишда расмий веб-сайт ва телеграм каналларига жойлаб борилсин.

Мазкур йиғилиш қарорида белгиланган вазифалар ижросини ташкиллаштириш ва таъминлаш Вазирлик Ахборот хизмати раҳбариятига юклатилсин.

Йиғилиш раиси,

Котиб,  
полковник

Ё.Х. Сагдиев

Ш.К. Ғиёсов